



## ХУДУД ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

*Рахманов Шароф Диёрлович*

*Тошкент молия институти мустақил изланувчиси*

*Тошкент, Ўзбекистон*

## ADVANCED FOREIGN EXPERIENCE OF INCREASING THE INVESTMENT ATTRACTIVENESS OF THE REGION

*Rahmanov Sharof Diyorovich,*

*Researcher of Tashkent Institute of Finance*

*Tashkent, Uzbekistan*

### **JEL Classification: E58, G21 O6**

**Аннотация:** Мақолада ҳудуд инвестициявий жозибадорлигини оширишда АҚШ ва Хитой тажрибалари ўрганилган. Шунингдек, АҚШнинг ЯИМ ва унинг дунё ЯИМдаги улуши тўғрисидаги ва Хитойга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг йиллик оқими тўғрисидаги маълумотлари қиёсий таҳлил қилинган. Ҳудуд инвестициявий жозибадорлигини таъминлаш ва ошириш борасидаги АҚШ ва Хитой давлатлари тажрибаларидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

**Abstract:** The article examines the experiences of the USA and China in increasing the region's investment attractiveness. Also, the data on the GDP of the USA and its share in the world GDP and on the annual flow of foreign direct investment attracted to China are comparatively analyzed. Proposals and recommendations for using the US and China's experience to ensure and increase the region's investment attractiveness in Uzbekistan's conditions have been formed.

**Калим сўзлар:** инвестициявий жозибадорлик, хусусий инвестиция, ЯИМ, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, инвестор.

**Keywords:** investment attractiveness, private investment, GDP, foreign direct investment, investor.

**Кириш.** Савдо ва ривожланиш бўйича конференциясининг (UNCTAD) янги маърузасида қайд этилишича, «2021 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг глобал оқими 1,58 трлн. АҚШ долларини ташкил этди ва бу 2020 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 64 фоизга кўпдир. Бироқ, 2022 йилда халқаро бизнес ва халқаро инвестициялар учун глобал муҳит кескин ўзгарди.

Инвестициявий жозибадорликни ошириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида қабул қилинди ва бу бир қатор стратегик ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Жумладан, «...келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий



инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш» зарурлиги, «Янги йилдан бошлаб ҳар бир ҳоким ўз туманига 40-50 миллион доллар хусусий инвестицияларни олиб келиши керак... Иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитларни янада яхшилаш» зарурлиги каби устувор аҳамиятга эга вазифалар белгилайди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Инвестицион муҳитни яхшилаш ҳисобига иқтисодиётнинг тармоқлари ва ҳудудларига хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш иқтисодий ривожланиш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ушбу мақсадга эришиш учун республиканинг инвестицион муҳитини ҳар томонлама баҳолаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимида тўсқинлик қиладиган муаммоларни аниқлаш ва илғор халқаро тажрибани ўрганиш орқали мамлакатнинг инвестиция сиёсатини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

### **Материал ва методлар.**

Иқтисодчи-олимлардан Шарп У., Александер Г., Бейли Дж. Роберта С.Хиггинза Боди Э., Маркус А., Кейн А., М.Н.Крейнинанинг илмий ишларида ҳудуд инвестициявий жозибдорлиги корхонанинг молиявий ҳолатини тавсифловчи умумлаштирилган атама ҳамда инвестициялар самарадорлиги ва рентабеллигининг таъминланиши сифатида талқин қилинган. Улар инвестициявий жозибдорликка

инвестициялаш объектининг даромадлилиги нуқтаи-назаридан қарашган. Бу эса инвестициявий жозибдорликка мулкдан самарали фойдаланиш усули сифатида ёндашилганлигини кўрсатади ва корхона миқёсидаги мазмуни ва моҳиятини ифода этади. Ушбу иқтисодий тушунчани маълум бир корхонага инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлигини белгиловчи кўрсаткич сифатида тушунадилар. Бироқ, инвестициявий жозибдорлик, нафақат, корхона, балки тармоқ, алоҳида ҳудуд миқёсида ҳам амал қилади.

Узоқ ва яқин хорижлик иқтисодчи-олимлар томонидан «ҳудудларга инвестиция оқими, кўп жиҳатдан, ҳудуднинг инвестициявий жозибдорлиги билан аниқланиши, бунда инвестицион кўйилмаларнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги ҳар томонлама таҳлил қилиниши» қайд этилган. Проф. Ш.Мустафакулов томонидан инвестициявий жозибдорликни баҳолашда иккита муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланган. «Биринчиси, маълум бир объектни инвестициялашнинг инвестицион жозибдорлиги. Иккинчиси, ҳудудий хўжалик тизимининг инвестицион жозибдорлиги».

Олимнинг фикрича, биринчи ҳолатда аниқ бир ҳудудий тизимда мавжуд бўлган тармоқлар, соҳалар ва кластерларнинг иқтисодий ҳолати, инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлиги таҳлил қилинади. Иккинчи ҳолатда, ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, омишлар таҳлил этилади. Бироқ, шуни ҳам қайд этиш зарурки, бугунги кунга қадар ҳудуд инвестициявий жозибдорлигини баҳолаш бўйича аниқ услубият бирор-бир халқаро меъёр ёки тартиб билан


белгиланмаган ва сўнги йилларда худуд инвестициявий жозибдорлигини баҳолаш бўйича турли кўрсаткичлардан фойдаланилмоқда.

**Натижалар.** Худудларнинг инвестициявий жозибдорлигини таъминлаш ва уни ошириш учун давлат томонидан ушбу йўналишларда мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур. Бу йўналишда хорижий инвестицияларни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб қилиш учун инвестиция имиджини ошириш стратегияси муҳим аҳамиятга эга. АҚШ ва Хитой тажрибалари Ўзбекистон иқтисодиётининг равнақи учун ҳар томонлама дастак вазифасини ўтайди. Чунончи, халқаро майдондаги илғор тажрибалар йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда.

АҚШ кўп йиллар давомида инвестициявий жозибдорликни ифодаловчи турли рейтингларда биринчи ўринларни эгаллаб келмоқда ва АҚШ ўз инвестиция сиёсатини тизимли ва комплекс ёндашган ҳолда олиб боради. АҚШда қулай инвестиция муҳити барпо этилган ва бунда худудий ҳокимият

органи асосий фаолият йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратмоқда. Улар иқтисодий ва ташкилий томондан хорижий сармояларнинг кириб келишини таъминлашга интиладилар. АҚШнинг 25 та штатида иқтисодий ривожланиш агентликлари ҳузурида махсус Халқаро савдо бўлинмалари ташкил этилган бўлиб, уларнинг мақсади экспортни рағбатлантириш ва чет эл инвестицияларини кенг кўламда жалб қилишдан иборат.

АҚШ иқтисодий салоҳияти ва ривожланиш даражаси бўйича дунёнинг етакчи мамлакатларидан биридир. Сўнги статистик кузатишлар асосида айтиш мумкинки, ушбу мамлакатнинг иқтисодий ҳолати ва ривожланиш даражасининг динамикаси жаҳон иқтисодиёти тенденциясига жиддий таъсир кўрсатиб келмоқда. АҚШнинг ЯИМ ҳажми бўйича дунёда биринчи ўринни, аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми бўйича йирик 10 та мамлакатдан бири ҳисобланади. АҚШ олтин валюта захираси жаҳон валюта захираларининг 65%га яқин миқдорини ташкил этди.



1-расм. 2015-2022 йилларда АҚШнинг ЯИМ ва унинг дунё ЯИМдаги улуши тўғрисида маълумот

Юқоридаги расм маълумотларидан кўринадики, АҚШ бугунги кунда дунёда яратилаётган ЯИМнинг деярли чорак қисмига эгалик қилмоқда ва бу кўрсаткич йилдан йилга ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу ҳолат таҳлилини рақамларда кузатадиган бўлсак, 2015 йилда АҚШ дунё ЯИМни қариб 22 фоиз улишга эгалик қилган бўлса, 2022 йилга келиб эса, ушбу кўрсаткич 3 фоизга ошиб 24 фоизни қайд этганлигини ва бу билан бугунги кунда дунёда иқтисодий жиҳатдан энг қудратли давлат эканлигини англатади.

Мамлакатда хорижий инвесторлар учун кенг номолиявий имтиёзлар тизими ишлаб чиқилган. Бугунги кунда маҳаллий ҳокимият органлари даражасида иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш бўйича 6 мингга яқин дастур мавжуд. «25 та штатдаги маҳаллий ҳукумат органлари томонидан 1300 та тадбиркорлик зоналари ташкил қилиниб, мазкур зоналарда бошқа мамлакатлардан келган инвесторлар кенг имтиёзлардан фойдаланадилар».

«Штатларда инвестиция фаолияти имтиёзли солиққа тортиш, субсидиялар, дотациялар, илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларини молиялаштириш ва арзон кредитлар тақдим этиш орқали молиявий рағбатлантирилади». Турли маъмурий-худудий тузилмалар ҳокимияти оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда соҳага инвестицияларни жалб қилишнинг ахборот-реклама усулидан кенг фойдаланишади. Штат ҳукуматлари инвесторларга маҳаллий инфратузилма, солиққа тортиш тизими, энергия таъминоти, қурилиш ва унинг нархлари, ишчи кучи ва бошқалар тўғрисида батафсил ҳаққоний маълумот беради.

Ҳар бир маъмурий худудий субъект инвесторларга ер участкаларини олиш ва қурилиш харажатлари, алоқа, транспорт хизматлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари, кадрлар тайёрлаш имкониятлари, савдо бозорларини ривожлантириш истикболлари ҳақида тўлиқ ахборот беради. Маҳаллий ҳокимият органлари инвесторлар томонидан тақлиф этилаётган инвестиция лойиҳасининг аҳамиятига ва хусусиятларига қараб, инвестициялар учун турли шарт-шароитларни шакллантиради. Кўпинча иқтисодиётнинг давлат учун устувор бўлган тармоқларини ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳалари учун имтиёзлироқ инвестиция режими қўлланилади. Экспорт-импорт ўрнини босувчи фаолият билан шуғулланувчи корхоналарни ташкил этиш ва янада ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш бўйича лойиҳаларга алоҳида имтиёзлар берилади.


АҚШда инвестиция муҳитини яхшилаш ва унинг жозибadorлигини оширишга имкон берувчи давлат-хусусий шериклик механизми тараққий этмоқда. Унинг ёрдамида тадбиркорлар билан олий таълим илмий-тадқиқот тузилмаларининг интеграциялашуви таъминланмоқда ҳамда худудда инновация фаолиятини ривожлантириш учун мўлжалланган давлат ва хусусий инвесторларнинг молиявий ресурслари бирлаштирилмоқда.

Худуд инвестициявий жозибadorлигини оширишда Хитой давлати ҳам бой тажрибаларга эга. Хитойда инвестицион фаолликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири – барча даражадаги инвесторлар учун муҳим ҳисобланган худудларнинг имкониятлари ва иқтисодий-инвестициявий салоҳиятини кўрсатиб берувчи маълумотлар базасининг ишлаб чиқилганлиги ва интернет-ресурс

сифатида фойдаланиш имкониятининг мавжудлигидир. Мазкур жиҳат Хитойнинг халқаро инвестиция базоридаги мавқеини оширишга, бизнес ҳамкорларининг янада кучайишига, иқтисодиётнинг жадал суръатларда тараққиётига, миллий корхоналарга хорижий сармояларнинг кириб келишига хизмат қилган ҳамда иқтисодиётининг очиклиги, инновациялар ривожини, давлат томонидан яратилган қулай тадбиркорлик муҳитини инвестициявий жозибасини таъминлаган.

2-расм маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2011-2022 йилларда Хитойга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг йиллик

оқими йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу натижага эришишига сабаб Хитой Халқ Республикасида инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар шунингдек, инвестицион муҳити ва жозибadorлиги яхши яратилганидан далолат беради. Жаҳон мамлакатларининг инвестицион жозибadorлигини кўрсатадиган рейтингларнинг барчасида хусусан, "Глобал рақобатбардошлик индекси", "Глобал инновацион индекс" ва "Бизнес муҳити ҳақи индекси"ларида фаол иштирок этиб келиши сабаб ушбу натижаларга эришган.



**2-расм. 2011-2022 йилларда Хитойга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг йиллик оқими(миллиард АҚШ долларида)**

2022 йилда Хитойга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг қиймати қарийб 181 миллиард АҚШ долларига етди. Бу ўтган йилга нисбатан қарийб 21 фоизга ошган.

Хитой халқаро инвестиция майдонида ўз имижини мустаҳкамлаш мақсадида «ОТХТ – Осиё-Тинч океани Ҳамкорлик Ташкилоти, ШХТ – Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича, шунингдек, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш

бўйича хитой-араб, хитой-африка ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб келмоқда» . Натижада, турли трансмиллий компаниялар, хорижий компаниялар томонидан Хитойга инвестиция киритиш билан боғлиқ фаоллиги янада ортди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида Хитой хорижий сармоялар оқимининг сусайишини олдини олиш мақсадида «яшил йўлак» тизимини жорий қилди. Бу тизим хорижий сармояли корхоналарни



рўйхатга олиш ва хорижий сармоялар оқимини рағбатлантирибгина қолмай, балки инвесторлар учун «ҳимоя ёстиғи» вазифасини ҳам бажарди.

Худуд инвестициявий жозибadorлигини таъминлаш ва ошириш борасидаги АҚШ ва Хитой давлатлари тажрибаларидан Ўзбекистон шароитида ижодий фойдаланиш истиқболда иқтисодиётнинг янада юксалишига хизмат қилади. Фикримизча, илғор хориж тажрибаларидан фойдаланишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

— миллий инвестиция сиёсатида тизимли ва комплекс ёндашув ва бунда маҳаллий ҳокимият органларининг масъулиятини кучайтириш, улар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони сифатида белгилаш;

— маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан хорижий инвестицияларни жалб қилишга йўналтирилган турли дастурларни молиялаштириш, худудларнинг табиий, иқтисодий-инвестицион салоҳиятидан келиб чиқиб, тадбиркорлик зоналари (саноат ва илмий-технологик парклар, технополислар) ташкил қилиш ва уларни ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) инфратузилма объектлари билан таъминлаш;

— худудларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, имтиёзли солиқ тизимини такомиллаштириш;

— маҳаллий бюджетлардан экспортга йўналтирилган инвестиция лойиҳалари учун субсидия ва дотациялар ажратиш, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва имтиёзли кредитлар тақдим этиш орқали молиявий рағбатлантириш;

— маҳаллий ҳокимият органлари томонидан худуд инвестиция

имкониятлари бўйича ташқивот-тарғибот ишларини кучайтириш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда соҳага инвестицияларни жалб қилишнинг ахборот-реклама усулидан кенг фойдаланиш, инвесторлар учун зарур бўлган барча маълумотлар шаффофлигини таъминлаш ва маълумотни ҳеч қандай чекловсиз олиш имкониятини яратиш;

— Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш, халқаро ташкилотлар томонидан ўтказиладиган сўровномаларда фаол иштирок этиш, шаффоф барқарор қонунчиликни ва мулк ҳуқуқи ҳимоясини сўзсиз таъминлаш ва унинг самарали таъсирсан механизмини ишлаб чиқиш, бизнес юритиш сарф-харажатларини қисқартириш.

**Хулоса.** Тараққий этган ва тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлар тажрибаларига кўра, худуд инвестициявий жозибadorликни оширишда бир қатор тадбирлардан фойдаланишади. Хусусан, молиявий барқарорликка ва иқтисодий ўсишга эришиш мақсадида турли режа ва дастурларни амалга ошириш, солиқ ставкаларини пасайтириш, солиқлардан озод қилиш, солиқ кредитларидан фойдаланиш, инвестицияларни рўйхатга олиш жараёнларини соддалаштириш ва рақамлаштириш, хорижий компанияларнинг мамлакат иқтисодиётига киришидаги чекловларни олиб ташлаш, умумдавлат ва худудий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни тўғридан-тўғри бюджетдан молиялаштириш, узоқ муддатли имтиёзли молиялаштириш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини божхона тўловлари ва солиқлардан озод қилиш кабилардан иборат.



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сон «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
4. Гусева К.В. Ранжирование субъектов РФ по степени благоприятности инвестиционного климата // Вопр. экономики. 2002. № 6. – С. 90-100.
5. Долан Э.Д., Линдсей Д.Е. Рынок: микроэкономическая модель: Пер. с англ. – СПб.: «Экономика», 1992. – 496 с.
6. Имомов Х.Х. Инвестицион муҳитни яхшилаш ва уни жозибadorлигини оширишни молиявий асослари. Иқт. фан. ном. илм. дар. ол. уч. так. эт. дисс. автореф. – Т.: «ТДИУ», 2011. – 24 б.
7. Мустафакулов Ш.И. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: «ТДИУ», 2017. – 68 б.
8. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион жозибadorликнинг назарий, методологик ва амалий талқини. Монография. – Т.: «Маънавият», 2021. – 352 б.